



Айтингизчи, агар бирортангизнинг эшиги олдида дарё бўлиб, унда ҳар куни беш марта ювинса, нима дейсиз, бу унинг кирлигидан (бирор нарсани) қолдирадими?», деб сўрадилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганлар: «Айтингизчи, агар бирортангизнинг эшиги олдида дарё бўлиб, унда ҳар куни беш марта ювинса, нима дейсиз, бу унинг кирлигидан (бирор нарсани) қолдирадими?», деб сўрадилар. (Саҳобалар:) «Бирорта ҳам кирлик қолдирмайди» деб жавоб беришди. «Беш вақт намознинг мисоли шудир, Аллоҳ улар билан барча хатоларни ўчириб юборади» дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам куну тунда ўқиладиган беш маҳал намозни ва у кичик гуноҳларни ўчириб кетказишини бир инсон эшиги олдидаги анҳордан беш марта ювинишига ўхшатдилар. Ювинавергач сув бирор кир қолдирмагандай, намоз ҳам шундай, бирорта гуноҳ қолдирмайди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4968>

